

Б. ҲАМДАМОВ

**МАҲМУД ТОРОБИЙ – ХАЛҚ
ҚАҲРАМОНИ**



ТОШКЕНТ

БЕҲЗОД ҲАМДАМОВ

**МАҲМУД ТОРОБИЙ – ХАЛҚ
ҚАҲРАМОНИ**

ТОШКЕНТ – 2016

УЎК: 001.6 (092)
КБК 63.3 (5Ў)
Ҳ-24

Ҳ-24 **Б.Ҳамдамов. Маҳмуд Торобий – халқ қаҳрамони.**
–Т.: «Fan va texnologiya», 2016. 56 бет.

ISBN 978–9943–4679–8–9

Рисолада халқимизни ўз атрофида жипслаштириб, мўғул босқинчиларига қарши курашган, халқ қаҳрамони Маҳмуд Торобий ва унинг сафдошлари жасорати янги тарихий манбалар асосида чуқур ва ҳар томонлама таҳлил этилган.

Китобда халқимиз истиқлол туфайли ўзлигини англашига, тарихий илдизларни чуқурроқ ўрганишига, туғилган жойига – жонажон Ватанига бўлган меҳр-муҳаббатини янада кучайтириш борасидаги фикрлар баён этилган. Бу рисола умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари ва барча ўлка тарихини ўрганувчиларга мўлжалланган.

УЎК: 001.6 (092)
КБК 63.3 (5Ў)

Масъул муҳаррир:

Қ.К. Ражабов – тарих фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

С.И. Иноятов – тарих фанлари доктори, профессор;

Ғ.Т. Темиров – тарих фанлари доктори, профессор;

Х. Қурбонов – тарих фанлари номзоди, доцент.

Рисола Навоий давлат педагогика институти илмий Кенгашининг 2016 йил 31 мартдаги 8-сонли қарори асосида чоп этилди.

ISBN 978–9943–4679–8–9

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2016.

СЎЗ БОШИ

Бизга тарихдан маълумки, Ўрта Осиё, хусусан, икки дарё оралиғи деб аталмиш Мовароуннаҳр худудлари дунёнинг кўплаб давлатларининг диққат-эътиборини қадим-қадимдан ўзига жалб этиб келган. Минг йиллар давомида Ўрта Осиё худудини Ғарб ва Шарқдан келган мазлум босқинчилар бир неча марта эгаллаб, ўз мустамлакаларига айлантирганлар. Уларга қарши халқимиз мустақиллик учун тинимсиз курашлар олиб бориб, уни бир дақиқа тўхтатмай, кўплаб Ватанпарварларимиз жасорат, қахрамонликлар кўрсатиб, тарихда ўчмас из қолдирганлар. Бундай қахрамонлар орасида мўғул босқинчиларига қарши курашган Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубронинг жасорати тарих саҳифаларида зарҳал ҳарфлар билан битилган. Мўғулларга қарши Бухоро ва унинг атрофидаги ерларни, хусусан Бухорою Карманани озод қилишда халқ кўзғолонига раҳбарлик қилган шундай буюк сиймолардан бири юртдошимиз **Маҳмуд Торобийдир**.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Бухоро шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида қуйидагиларни таъкидлаган эди: «Бу азим шаҳар – **Кармана, Бойкент, Вобкент, Шофиркон, Ромитан, Ғиждувон** каби қадимги кентларни ўз бағрига олган Бухоро воҳасида яшаган эрксевар аждодларимиз ҳар қандай истибдод ва зулмга қарамай, эл-юрт озодлиги йўлида муттасил қахрамонона курашиб келдилар.

Ёвуз босқинчиларга ва истилочиларга қарши озодлик байроғини кўтарган **Широқ, Спитамен, Маҳмуд Торобий, Томир хотун (Тўмарис), малика Қабаж хотун** каби аждодларимиз жасорати авлодлар учун ватанпарварлик ва шижоат тимсолидир»¹.

Бир қанча халқ қахрамонлари – ватанпарварлар қаторида Маҳмуд Торобий номининг тилга олиниши, бу халқ озодлиги учун курашган қахрамонга бўлган буюк эътибор ва ҳурматнинг намунаси дир.

Кўҳна тарих саҳифаларида Маҳмуд Торобий кўзғолони номи билан шуҳрат топган адолатли жангнинг Бухоро заминида шижоат, киндик қони томган муқаддас она тупроққа сиғиниши, унинг ҳар бир сиқимини тўтиё билиб, чет эл босқинчиларининг ифлос қадимдан ҳоли қилиш, маҳаллий амалдорларнинг жабр-жафоларидан

1. Каримов И. Бухоро шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи// Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 7 т. –Т.: «Ўзбекистон», 1998. 369-бет.

холос этишдек муборак мақсад ётганлиги йиллар давомида аждодлар томонидан эътироф этиб келинмоқда. Йигитнинг қиёфаси, ўзлиги эл-юрт бошига иш тушганда билинади, дейди халқимиз. Ўз ўрнини жасорат майдонида деб билган йигитнинг номи улуғ, шаъну шарафи мангудир. Оддийгина косиб хонадонида чекка бир қишлоқда таваллуд топган Маҳмуднинг вужудида ҳақсизликка нафрат туйғулари гўдаклигидаёқ сингиб борган. У ўз элининг ифтихор қилса арзигулик марди майдон ўғли бўлиб вояга етди. Бешигини тебратган она заминга садоқат Маҳмуднинг эзгу орзуси бўлиб, шунинг учун ҳам у ўзини эл-улусига Тороб қишлоғидан чиққан жасоратли Маҳмуд эканлигини танитди. Ватан ва ватандошлар дарди, улар манфаатини улуғлаш, қувончига шерик бўлиш иштиёқи Маҳмуднинг дилидан чуқур жой олган эди. Модомики шундай экан, маҳаллий амалдор ва руҳонийларнинг зулм-зўрлиги, қадим-қадимдан илму дониш маскани бўлган Бухоро тупроғига мўғулларнинг бостириб кириши, кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган зўравонликлар юргизишга Маҳмуд Торобий ва унинг тарафдорлари бефарқ қараб туrolмади. Тома-тома сабр косаси тўлди, пичоқ бориб суякка қадалди. Маҳмуднинг ҳам ҳалол ва пок инсофли, ўзга ҳаракатга ошно бўлмаган дўстлари, биродарлари у билан бирга жумбушга келди. У ўзи сингари кичик ҳунармандлар, оддий заҳматкаш халқнинг қалбига қулоқ тутди, уларнинг дардли нидосини туйди, дил тубида чўккан қасос туйғусини қалбдан ҳис этди, ўзига тарафдорлар тўплай бошлади. Маҳмуднинг адолат-пешалик байроғи остида саф тортганларнинг сони соат сайин ортиб борди. Эрк, адолат, интиқом жанги учун катта сафарбарлик, чинакам тараддуд бошланиб, минг-минглаб жафокаш қалбларда туғён урган исён учқунлари чакнай бошлади. 1238 йилда шуълалари заҳмат бағрини чок-чок ётган аланга халқнинг мўғул босқинчилари, уларга хайрихоҳ бўлган маҳаллий зулмпешаларга қарши кўзғолони бошланди. Амният, адолат ва табаррук она юртнинг дахлсизлиги учун кўтарилган бу кўзғолоннинг ташкилотчиси ва раҳномаси Маҳмуд Торобий бўлди. Қасоскор халқнинг исёнкор дилида жирканч ниятли ёвузларга қаратилган ўтли нафрат туйғулари жўш ураркан, у Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов сатрлари билан айтганда:

Қуллуқ қил, демасман,
Юрт тупроғин ўп,
Унга қуллар эмас, фидолар керак,

дея майдонга отилган, қалби ўзи сингари она заминга олий эҳтиром туйғулари билан йўғрилган жасур паҳлавонларни ягона туғ-байроқ остида бирлаштиришга эришган мустамлакачига нисбатан сабри тугаган ўша фидойилар жангига раҳнамолик қилган Маҳмуд Торобий бўлди.

Саккиз асрдирки, инсоният авлоди озод турмуш, мусаффо ҳаёт учун қон тўкиб, жон нисор этган Торобийларни яхшилик билан эслайди, улар ҳақида асарлар ёзиб, хотираларини ёд этиб, қабрларини зиёрат қилиб келади. Тарихийлик нуқтаи назаридан бу ҳаракат ҳалигача чуқур ўрганилмаган, Маҳмуд Торобийнинг жасорати кенг кўламда тарғиб этилмаган ва қаҳрамоннинг жасоратини бугунги авлодга кенгроқ ёритиб бериш борасида етарли ишлар қилинмаган. Чунки Маҳмуд Торобий шижоати ва жасорати бугунги ёшлар учун ватанпарварликнинг юксак тарихий намунасидир.

Маҳмуд Торобий ҳақидаги манбалар кўп бўлмасада, шулар орасида дастлабки битиклар муаллифи машҳур тарихчи Алоуддин Отамалик ибн Баҳоуддин Муҳаммад ал-Жувайнийдир (1226-1283). Алоуддин Отамалик Жувайний Мўғулистон, Ўрта Осиё ҳамда Эроннинг XIII асрдаги ижтимоий-сиёсий тарихидан ҳикоя қилувчи «Тарихи жаҳонгушо» («Жаҳон фотиҳи тарихи») номли шоҳ асари билан шуҳрат топган машҳур тарихчидир. У Мовароуннаҳр ва Шарқий Туркистон бўйлаб саёҳат қилган ва қатор материаллар тўплаб, бу китобини ёзган. Китобнинг I-II қисмларида Ўрта Осиё тарихи ва Маҳмуд Торобий кўзғолони баёни устида ҳам тўхталиб, уни маълум даражада ёритган.¹ Таъкидлаш жоизки, Жувайнийнинг маълумотлари сўнгги тарихчилар учун таянч манба бўлиб хизмат қилиб келган. Тарихчи Жувайнийда Маҳмуд Торобий ҳаракати хусусида зиддиятли қарашлар кўзга ташланади. Бир тарафдан у кўзғолончиларга хайрихоҳлик назари билан қараб, қатор қимматли факту рақамларни ёзиб қолдиради. Иккинчи жиҳатдан, Маҳмуд Торобийни шаккокликда айблайди. Эслатилган нуқталаридан қатъи назар, Жувайнийнинг тарихий асари Маҳмуд Торобий номининг тарих саҳифаларидан мустаҳкам жой олишида алоҳида аҳамиятга моликдир.

Мирзо Улуғбек «Тўрт улус тарихи» китобида XIII асрда ўтган йирик тарихчи Жувайнийнинг «Тарихи жаҳонгушо» асарига

¹. Жувайний Алоуддин Атамалик. Тарихи жаҳонгушо (Жаҳон фотиҳи тарихи). –Т.: «Mumtoz so‘z», 2015. Б.155-158



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/3953> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/3953> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/3953>